



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - Mart

421 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Махтимов Тўлқинжон  
Ахмедовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Қумбодок” маҳалласида яшовчи фуқаро Махтимов Тўлқинжон Ахмедовичнинг “Қумбодок” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 февралдаги ШЯ-М-447-сонли аризасини, “Қумбодок” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2021 йил 2 февралдаги 277-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Боғот тумани “Қумбодок” маҳалласида жойлашган 6 (олти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 66,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 48,9 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 114,9 квадрат метр, қурилиш ости майдони 202,07 квадрат метр, умумий ер майдони 630,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Махтимов Тўлқинжон Ахмедовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Махтимов Тўлқинжон Ахмедовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Махтимов Тўлқинжон Ахмедовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу тузар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**